O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 18 февраль, чоршанба • №14 (11.609) • Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ – УЛУҒ ТУШУНЧА

***Унинг замирида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлилик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, оила манфаатлари, ёшлар тарбияси сингари қатор фазилатлар мужассамдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинишидан мақсад «...одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам ана шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир».***

Ана шунинг учун ҳам Меҳр ва мурувват йили нафақат ташкилотлар, муассасалар ва идоралар, масъул раҳбарлар, саховатли инсонлар зиммасига, балки ҳар биримизнинг зиммамизга юксак масъулият юклайди.

Шу йил 17 февраль куни вилоят ҳокимлигида «Меҳр ва мурувват йили» Дастурини амалга ошириш бўйича вилоят комиссиясининг йиғилишида ана шу фикрлар илгари сурилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Сайдулло Бегалиев бошқарди.

Маълумки, вилоят ҳокимининг 2004 йил 9 февралдаги қарори билан Тошкент вилоятининг «Меҳр ва мурувват йили» Дастури тасдиқланди ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли бошқарма ва бўлимларга, ҳокимликларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, 4 қисм 72 банддан иборат бу Дастурда вилоятимиз ҳудудида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, оила ва инсонларга кўмак бериш, ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш, давлат ва нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъулиятини кучайтириш, оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни меҳрибонлик ва мурувват руҳида тарбиялаш сингари муҳим вазифалар ва тадбирлар тизими белгилаб олинганки, уларнинг замирида давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтириш ғояси мужассамдир.

Шунингдек, Дастурда жойлардаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига тиббий, савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга ошириш ҳам ўз ифодасини топган.

Йиғилишда вилоят Дастурида белгилаб олинган вазифалар ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Барча бўлим, бошқарма, корхона, ташкилот, уюшма, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига «Меҳр ва мурувват йили» Дастурида белгиланган вазифаларни муҳокама этиб, амалий ишларни бошлаш тавсия этилди. Жойларда белгиланган тадбирларнинг аниқ муддатларда бажарилишини таъминлаш ва кўмак бериш мақсадида вилоят комиссияси аъзолари бевосита шаҳар ва туманларга бириктирилдилар. Ҳар ой якуни бўйича Дастур топшириқларининг бажарилиш натижалари муҳокамасига бағишланган таҳлилий йиғилишлар ўтказишга келишилди ҳамда кўрилган масала юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

* * *

*«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти ҳам ўз саҳифаларида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан юртимиздаги бағрикенглик, миллатлар ўртасидаги дўстлик, меҳрибонликни кенг тарғиб қилиш, қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги [illegible]лиги ва масъулиятини ошириш, тадбиркорлик ва хусусий бизнес тузилмаларининг куч ва имкониятларини ана шундай эзгу ишларга жалб этиш ҳамда вилоят Дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг моҳияти, аҳамиятини очиб бериш, бевосита жойларда амалга оширилаётган ва қилинаётган ишларни кенг ёритиб бориш мақсадида махсус рукн остида бу мавзуни мунтазам ва кенг кўламда ёритиб бориш ниятида.*

*Биз вилоятимизнинг барча аҳолиси ва газета муштарийларидан жойларда бу борада олиб борилаётган ишлар, ташаббуслар, янгиликлар, саховатли инсонлар ҳақида хат-хабарлар кутиб қоламиз.*

*Шу муносабат билан таҳририятимизда махсус гуруҳ тузилганлигини ҳам маълум қиламиз.*

*Сиз **133-48-08, 133-40-48, 133-12-83** рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.*

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

***Шу йил 17 февраль куни назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда вилоят ҳудудий комиссиясининг аъзолари, вилоят назорат идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари раисларининг ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий комиссия раисининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев бошқарди.

Комиссия назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг сўнгги йиғилиши қароридан келиб чиқадиган вазифалар, вилоят назорат идораларининг 2003 йилги текширишларини мувофиқлаштириш якунлари ва бу ишни такомиллаштириш масалалари, акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят ва ҳудудий филиаллари томонидан ўтказилган текширишлар самарадорлигининг оширилиши ва амалдаги қонунчилик талаблари таъминланиши борасидаги ишлар, Чиноз тумани бўйича назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия томонидан текширишларнинг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигининг назорати юзасидан мониторинглар ташкил қилиниши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди.

Йиғилиш муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди ва вилоят ҳудудий комиссиясининг 2004 йилги асосий иш йўналишлари режасини тасдиқлади.

**Ўз мухбиримиз.**



## ҲОЗИРЧА У ТАЛАБА

**Бугунги кунда иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, улар учун янги-янги имкониятлар яратиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Айниқса, бу борада Зулфия номидаги Давлат мукофотининг ўрни алоҳида. Ўз иқтидорини намоён этиб, бу мукофотга сазовор бўлишга интилиб, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган қизларимиз талайгина.**

**Жумладан, ғазалкентлик Гулнур Исаева юксак мукофотнинг фан йўналиши бўйича вилоятда ғолиб деб топилиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

**Гулнур ҳозирда вилоят педагогика институтининг учинчи курс талабаси. У филология факультетининг қозоқ тили ва адабиёти бўлимида таҳсил олмоқда. Шу билан бирга ўзининг ижодий изланишлари билан Зулфия мукофотига муносиб бўлиш учун ҳаракат қилмоқда. Мутахассислиги бўйича эса, халқ оғзаки ижодини ўрганиб, илмий ишини муваффақиятли олиб бораяпти.**

**— Журналистикага бўлган интилишим кучли, келгусида ушбу касбни чуқур эгаллашни мақсад қилиб қўйганман, — дейди Гулнур Исаева.**

***СУРАТДА:** мукофотнинг вилоят босқичи фан йўналиши ғолибаси Гулнур Исаева.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

***«Наврўз» миллий қадриятларимиз, урф-одатлар ва анъаналаримизни қадрлаш, тиклаш билан бир қаторда дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ҳамда меҳр-оқибат фазилатларини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Ана шунинг учун ҳам юртимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланади.***




Ҳақиқатан Наврўз дини, эътиқодидан қатъи назар ҳар бир миллат ва элатнинг севимли айёми. Вилоятимизда ўтказилажак 2004 йил Наврўзининг асосий шиори ҳам ўзгача. «Байрам тантаналаридан ҳеч ким четда қолмасин». Вилоятда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилишида шу ҳақда чуқур ва атрофлича гап борди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Маълумки, вилоятимиздаги барча шаҳар ва туманларда, корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасаларда Наврўз айёмини ўтказиш анъанага айланган. Бу йил жойларда ташкил этиладиган тантаналарни ҳар томонлама уюшқоқлик ва юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида вилоят ташкилий қўмитасининг аъзолари бевосита шаҳар ва туманларга бириктирилди. Йиғилишда ташкилий қўмита аъзоларининг жойларда байрамга ҳозирлик жараёни ҳақидаги ахборотлари тингланди, таҳлил этилди ҳамда навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Унда асосий эътибор шаҳар ва туман марказларида хиёбон ва истироҳат боғларида белгиланган байрам дастурининг мукаммаллигига эришиш, кам таъминланган ва муҳтожларга кўрсатиладиган манзилли ёрдамларни ташкил этиш, тантаналар ўтадиган майдонларни безаш, байрам муносабати билан кенг кўламда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиш, фойдаланишга топшириладиган объектларнинг ўз вақтида қуриб битказилишини таъминлашга қаратилиши зарурлиги таъкидланди. Айни вақтда корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари ва маҳаллаларда ўтказиладиган байрам тантаналарининг савияси устида ишлаш тавсия этилди.

Наврўз куни пойтахтимизда ўтадиган асосий тантаналарда иштирок этадиган вилоят бадиий жамоаларининг чиқишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Рамзиддин Икромовнинг ахбороти тингланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Диёр Мирзааҳмедов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Диёр Алимов, ўрта-махсус касб-ҳунар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Миразим Абдуллаев сўзга чиқдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

## «ҚАҲРАМОН»НИНГ ЮТУҒИ

***Ангрен шаҳридаги «Қаҳрамон» таэквандо клуби вакиллари кейинги йилларда турли мусобақаларда муваффақият қозониб келмоқда.***

Яқинда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоасида «Қаҳрамон» таэквандочилари ҳам бор эди. Улар юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, икки олтин ва битта бронза медалларини қўлга киритишди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## СОҒЛОМ БЎЛИШГА НЕ ЕТСИН!

***Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган маъқулроқ. Бунинг учун соғлом турмуш тарзига амал қилиниши лозим.***

Тошкент туманидаги Кенсой қишлоқ хўжалик коллежида ўтказилган тадбир айнан шу мавзуга бағишланди. «Саломатлик» институти филиали мутахассислари Саида Юнусова, Фарида Комилова, вилоят ОИТС маркази вакили Дилбар Зокирхўжаева ва бошқалар қатнашган бу тадбирда иштирокчи талабалар юқумли касалликлардан сақланиш борасидаги талайгина маълумотларни билиб олдилар.

**Убайдулла ҲИКМАТОВ.**

## ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШДИ

***«Қизил ярим ой» жамияти вилоят бўлими томонидан яқинда Қибрай туманидаги «Қипчоқ», «Дўрмон» қишлоқлари, «Ёнариқ» маҳалласи ҳамда 12-ўрта мактабда 198 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди.***

Тадбир давомида 40 нафар пенсия ёшидаги аёллар, 10 нафар қария, 127 нафар ўсмир шифокорлар ҳузурида бўлишди. Шунингдек, кўмакка муҳтож қариялар ҳолидан хабар олинди. Тиббий кўрик натижасида бирор хасталикка чалингани аниқланган беморларга жамғарма томонидан беминнат ёрдам кўрсатилмоқда.

**Нигора БОБОҚУЛОВА, ЎзМУ талабаси.**

Бугуннинг гапи

## ТЕХНИКАНГИЗ ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРМИ?

***Ҳозир ҳар бир хўжалик раҳбари ва бош мутахассислари ўзларига шундай савол бериб, агар бу борада камчиликлар бўлса, тез кунда уларни бартараф этадиган пайт***

Бу йил вилоятда 108 минг гектар, шу жумладан, 24 минг гектар майдонга плёнка остига чигит экиш режалаштирилган. Тайёрланган уруғлик чигитни жойларда тупроқнинг етилишига қараб, қулай ва қисқа муддатда экиб олиш мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги ҳисобга олиниб, куз ва қиш кунларида баҳорги экиш мавсумида ишлатиладиган барча техника воситаларини тўла таъмирдан чиқариб қўйишга катта эътибор берилди.

Шу мақсадда махсус жадваллар тузилиб, барча хўжаликларга етказилди. Унинг ижроси эса, вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳларнинг қатъий назоратида бўлди. Ушбу жараёнда чинозликларнинг тажрибасини ҳамма ерда кенг қўллаш тавсия этилди.

Маълумки, Чиноз туманида пахта йиғим-терими якунланиши биланоқ, кузги шудгорни жадал давом эттириш билан бир вақтда, ҳамма хўжаликларда техникани таъмирлашга ҳам оммавий киришилган эди. Ишга бундай ёндошув кўкламги экиш мавсуми бошланаётган тиғиз пайтда техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар излаб, вақтни бой бермай, бу муаммони қишдаёқ ҳал қилиб қўйиш имконини берди.



Бу тажриба амалда қўлланилган Ўртачирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон туманларида техникани созлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилиб, муваффақиятли якунланди. Хусусан, Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли, «Қорасув», Янгийўл туманидаги «Ниёзбош», «Қовунчи», Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги», «Тошовул», Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон», «Дўстлик», Бўка туманидаги «Ачамайли», Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжаликларида мавжуд техника воситалари кўкламги экиш мавсумига барвақт ва сифатли тайёрлаб қўйилди.

Барча туман ва хўжаликларда техникани таъмирлаш махсус жадвал асосида ва ишчи гуруҳлар назорати остида олиб борилганлиги туфайли бугунги кунда вилоят бўйича 788 та ҳайдов трактори, 1622 та чопиқ трактори, 1262 та сеялка, шу жумладан, чигитни плёнка остига экадиган 349 та махсус мослама, 1354 та культиватор, 211 та ер текислаш агрегати, 256 та чизел, 8503 та тишли борона, 731 та мола экиш мавсумига тахт қилинди. Бундан ташқари техникаларни мавсумга созлаш жараёнида вилоят хўжаликларининг ҳайдов ҳамда чопиқ тракторларига бўлган талаб-эҳтиёжлари ҳам ўрганилди ва айни вақтда камчиликларнинг ўрнини тўлдириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, бу йил 200 та Т-4А русумли («Олтой») ҳайдов тракторларини харид қилиш режалаштирилди. Тошкент трактор заводи билан эса, 320 та ТТЗ-80.11 русумли чопиқ трактори сотиб олиш юзасидан шартномалар тузилди.

Бу йил плёнка остига чигит экиш агротехникасига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, илғор хўжаликлар тажрибаси бу усул ҳосилдорликни 10-15 центнер ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Энг муҳи-

(Давоми 2-бетда).

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

# АДОЛАТЛИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

***Демократик жамиятда суд тизимининг ўрни алоҳида эканлиги Конституцияда муҳрланган. Бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалга оширилаётгани ҳам унинг мавқеини, фуқаро ҳаётидаги ўрнини янада кучайтиришга қаратилгандир.***

***Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раиси Каримжон Саидов билан суҳбатимиз ҳам ана шу жараён ҳақида бўлди.***

**— Каримжон ака, аввало, амалга оширилаётган суд ислоҳотларининг мақсади ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ичида фақат судгагина давлат номидан қарор қабул қилиш ваколати берилган. Шу нуқтаи назардан судларнинг фаолияти маълум маънода жамиятдаги ижтимоий онг у ёки бу тарзда ўзгаришига таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, агар фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида судга мурожаат қилиб, унинг бузилган ҳуқуқлари суд томонидан тикланган тақдирда, давлат номидан шундай қарорни қабул қилган суд билан биргаликда жамият ва давлатга ишончи янада ортади. Ноқонуний қарор қабул қилинганида эса, фуқаро жамиятдан, давлатдан норози бўлиши табиий. Шу маънода амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг туб мазмун-моҳияти ҳам фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари суд йўли билан ҳимоя қилинишини кафолатлаш, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш, судларнинг амалдаги Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилгандир.

**— Дарҳақиқат, судлар олдидаги вазифа ўта муҳим ва долзарб. Ўзбекистонда жадаллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида бу масалага қанчалик эътибор қаратилмоқда?**

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасида энг муҳим масалалардан бири Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ судларда ихтисослашувни амалга оширилганлигидир.

Маълумки, бунга қадар фуқаролик ва жиноят ишлари битта суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинар эди. Бундай ҳолат судлар учун ҳам, фуқаролар учун ҳам маълум қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Бунда эса фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларидаги низоларни ҳал қилиш ва тартибга солиш ниҳоятда мураккаб бўлиб, албатта, буларни ўз вақтида, тўғри, қонуний ва адолатли ҳал қилиниши учун бу соҳа бўйича тегишли мутахассис судьяларнинг бўлиши зарур эди. Ихтисослашув ниҳоятда тўғри йўл эканлигини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Хусусан, фуқаролик ишларини кўриш бўйича амалга оширилган умумлаштирувлар, ҳисобот таҳлиллари бугунги кунда судлар томонидан кўриб, ҳал қилинган фуқаролик ишларининг сифати бирмунча яхшилангани, ҳал қилиш муддатлари қисқарганлигидан далолат бермоқда.

Айни пайтда чиқарилаётган қарорларнинг амалдаги процессуал қонун талабларига жавоб бериши борасида ҳам маълум ижобий ўзгаришлар юз берди.

**— Ишларни юқори судларда апелляция тартибида кўриш институтининг жорий этилиши суд ислоҳотларидаги муҳим жиҳатдир. Бу ҳақда нима дея оласиз?**

— Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан амалдаги фуқаролик-процессуал Кодексига юқори турувчи судлар томонидан ишларни апелляция тартибида кўриш билан боғлиқ тегишли ўзгаришлар киритилди. Унда фуқароларнинг судга мурожаат қилиш йўли билан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга янада кенгроқ шароит яратилди. Юқори турувчи судларнинг ваколатлари кенгайтирилди ва фуқаролик ишларининг кўрилишида йўл қўйилиши мумкин бўлган сансалорликка бир мунча барҳам берилди.

**— Суд-ҳуқуқ ислоҳоти жараёнида кадрлар масаласи қандай ҳал этилаяпти?**

— Бу ўта зарур масала. Асосий вазифа юксак даражадаги ҳуқуқий билимлар, имон-эътиқод, малака, маълум ҳаёт тажрибаси, етук инсоний фазилатларга эга бўлган кадрлар захирасини яратиш ва бу йўлда адолат ва ошкоралик тамойилларига риоя қилишни таъминлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий Мажлис Комиссиясининг ҳамда жойлардаги судьялар малака ҳайъатларининг бу борадаги фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, вилоятимизда ҳам судларга кадрлар захирасини тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу пухта қарорлар чиқарилишига асос бўлмоқда.

**— Вилоят ҳақида гап очдингиз, айтингчи, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди республикада қандай мавқега эга ва бу мезон қандай ўлчанади?**

— Балки нокамтарликка йўярсиз. Аммо, ҳақиқатдан ҳам фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг мавқеи республика миқёсида юқори. Буни белгилашда эса, юқорида айтиб ўтганимдек, қуйи судлар қарорларининг қанчаси бекор қилиниши ва қайта кўрилиши билан белгиланади. Яъни, қарорлар юқори судлар томонидан камдан-кам бекор қилинса ва апелляция ёки касация ҳамда назорат тартибида ишлар қайта кўрилмаса, судларнинг мавқеи шунча юқори бўлаверади.

Биргина мисол: 2002-2003 йиллар давомида бор-йўғи 2-2,6 фоиз фуқаролик ишлари қайта кўрилган. Бу республикада энг паст кўрсаткичлардан биридир.

**— Судлар фаолиятини янада яхшилаш учун қўшимча қандай чора-тадбирлар кўриш керак деб ўйлайсиз?**

– Аслида судлар фаолияти билан боғлиқ барча меъёрлар қонунлаштириб қўйилган. Фақат уни тўла амалга ошириш лозим. Яъни Конституцияда ва судлар тўғрисидаги қонунда белгиланганидек, судлар тўла маънода мустақил бўлишлари лозим. Токи, ҳеч қандай йўл билан улар фаолиятига таъсир этиб бўлмасин. Шундагина улар фуқаро ҳақ-ҳуқуқини ҳимояловчи ҳақиқий органга айлана олади.

**Суҳбатдош Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

Келажак фермерларники

# ИНТИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

***Хизмат сафари билан яқинда Оққўрғон туманида бўлиб, ҳамкасбим билан учрашиб, энг яхши фермерлар ҳақида ёзмоқчи эканлигимни айтдим.***

***— Бизда бундайлар кўп, — деди у, — қай бирини тавсия этсам экан. Ҳа, айтгандай, сиз Навоий номли ширкат хўжалигидаги Жумақул Пиримқулов номли фермер хўжалиги ҳақида ёзсангиз дуруст бўларди. Уни ўғли Абдуманноп бошқаради.***

Мен ўйланиб қолдим. Чунки, Жумақул акани яхши билардим. Шунда беихтиёр ўтмишни эсладим. Бир куни ишга эндигина келиб турган эдим ўша пайтдаги муҳарриримиз чақириб қолди.

— Сизга муҳим бир топшириқ бор, бугун вилоятдаги йиғилишда бир гуруҳ пахтакорлар гектаридан 40-50 центнердан ҳосил олиш ташаббуси билан чиққанликлари айтилди, – дедилар у киши. – Улар орасида оққўрғонлик Жумақул Пиримқуловни, айниқса, мақтаб гапиришди. Навоий номли хўжаликка бориб, улар билан учрашиб, тажрибалари ҳақида ёзсангиз, айни муддао бўларди.

Мен вазифани бажаришга киришдим. Ёзнинг охирги кунлари эди ўшанда. Ўрта бўйли, тўлачадан келган Жумақул акани пахтазорда учратдим. У ҳосилнинг чўғини чамалаб юрган эди чоғи. Мақсадимни айтдим. У кулди.

— Ҳосилдорликнинг чегараси йўқ, деган фикрга қандай қарайсиз, — дедим. Жумақул аканинг фикрини билмоқчи бўлиб. У бироз ўйланиб қолди. Пешонасидаги ажинлари қуюқлашди.

— Хафа бўлмангу, — деди у, — бундай жумлаларни кўпроқ сиз газетчилар ишлатасиз. Аслида ҳар бир нарсанинг меъёри бор. Модомики, ҳосилдорлик ҳақида сўз борар экан, меҳнат қилган деҳқон ҳеч вақт кам бўлмайди, деб айтганимиз маъқул.

— Мана сиз ҳар гектаридан қирқ центнердан ҳосил олиш ташаббуси билан чиқибсиз.

Жумақул ака жиддийлашди.

— Ҳа, энди тушундим, — деди у, — гап буёқда денг.

Мен ҳам бўш келмадим.

— Ҳақиқатан ҳам қирқ центнерни олса бўладими?

— Нега бўлмас экан, — деди Жумақул ака, — бўлади, лекин, бунинг учун бир қатор шартларга риоя қилиш, энг муҳими ҳисоб-китоб билан иш юритиш, ҳалоллик бўлиши лозим. Биласиз, ҳосил тупдан олинади. Ғўза ниҳолига яхши ишлов берсангиз, ҳар тупида 50-60 тагача, ҳатто ундан ҳам кўп кўсак санашингиз мумкин. Лекин, асло уни кўриб хотиржамликка берилиб бўлмайди. Сиз ҳақиқий деҳқон бўлсангиз, кўпи билан 12-15 та кўсакни эрта пишириб, етилтириш тўғрисида ўйлашингиз, жамики агротехника тадбирларини шу мақсадга бўйсундиришингиз керак. Шундай қилсангиз ютасиз. Қандай қилиб дейсизми? Бунда ҳам ҳисоб-китобни билиш қўл келади. Кўсак тўлиқ ва бўлиқ бўлса, пишиб етилганда ундан 6-7 грамм пахта чиқади. Сиз бу миқдорни ҳам кўзда тутманг. Ўртача 5-6 граммни мўлжаллаб иш олиб боринг. Ана шунда юз минг кўчати бор гектардан бемалол 40 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олсангиз бўлади. Яна бир гап. Деҳқон юқорига, мутасаддиларга ҳисобот берганида, уларга яхши кўринаман деб ўзини ўзи алдамаслиги керак...

Ўша куни Жумақул ака билан пахтачилик билан боғлиқ яна кўп нарсалар, муаммолар ҳақида гаплашдик, фикр-мулоҳаза юритдик.

Мен ўшанда бу тажрибали деҳқоннинг етти ўлчаб бир кесишига, узоқни мўлжаллаб иш қилишига, бирон агротехник тадбирни амалга оширишдан олдин ён атрофдагилар, оддий деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, қилаётган ишининг яхши самара беришига қаттиқ ишонч ҳосил қилишига қойил қолгандим. Ана шу хислат, ана шу қатъиятлиқ, касбига бўлган меҳр-садоқат, узоқ йиллар давомида Жумақул аканинг пахтачилигимиз байроқдорлари сифатида тилга тушиб келганлиги омили бўлган эди.

Абдуманноп отаси ҳақидаги ҳикоямни эшитиб, анча ҳаяжонланди.

— Раҳмат, — деди у , — отам билан учрашиб, улар билан қайтадан сўзлашгандек бўлдим. Бундан буён ҳам уларга янада садоқатли бўлишга, тажрибаларини бойитишга ҳаракат қиламан.

Мана, ўн тўрт йилдирки, у 18-22 гектар ерда деҳқончилик қилади. Режаларини доим ортиғи билан бажаради.

— Ўз ишингиздан кўнглингиз тўлаяптими ишқилиб, — дейман унга.

У жавоб беришга шошилмайди.

— Нима десам экан, — дейди у бироздан сўнг, — ғалланинг ҳар гектаридан эллик центнердан ҳосил олаяпман; ҳар ҳолда бу ёмон кўрсаткич эмас. Лекин, тўғрисини айтсам, пахтачиликдаги эришилаётган натижалардан кўнглим тўлмайди. 29 центнер. Ниятим отам эришган маррага етиш. Лекин, биламан, бунинг учун ҳали кўп изланишим, меҳнат қилишим керак. Мен ана шу мақсадга интилиб яшаяпман.

Интилиш... Янги мақсадга интилган одам тиниб-тинчимаслиги, бугунги эришган ютуқларидан кифояланиб қолмаслиги керак.

Мен билдимки, Абдуманноп Жумақулов фаолиятида ана шу фазилат устунлик қилади. Бу унга келгусида янги муваффақиятлар олиб келади.

**Носир РИХСИЕВ.**

Танлов

***Зангиота туман «Истиқлол» газетаси таҳририяти «Маҳалла обод — юртим обод» ва «Ёшлар — гиёҳвандликка қарши» мавзуларидаги кўрик-танловлар якунини эълон қилди.***

# ИЖОДИЙ МУСОҲАБА

Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилган танловда педагог Нодира Жўрабоева ғолиб чиқди. Муаллифнинг «Янгиободликлар» сарлавҳали публицистик мақоласи биринчи соврин билан тақдирланди. 19-мактаб ўқитувчиси Гулчеҳра Шерматова «Ҳизр бобо ташрифи» мақоласи учун иккинчи, фотомухбир Умидбек Ботиров туркум суратлар учун учинчи совринларни қўлга киритишди.

Гиёҳвандлик муаммоларига бағишланган энг яхши мақолалари учун эълон қилинган танловда журналист Жамила Арслонова биринчи, туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Доно Рихсиева иккинчи, туман Саломатлик марказининг бош шифокори Эркин Жўрабоев учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолибларга бир қатор жамоат ташкилотлари ва таҳририятнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

Нишондорларимиз

# ЧИРЧИҚДА ШУНДАЙ ЗОБИТ БОР

***Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимиз қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, эл-юрт осойишталигини таъминлашга қўшаётган ҳиссалари учун бир гуруҳ ватандошларимиз муносиб тақдирланган эдилар. Улар орасида вилоятимиз вакилларидан Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти артиллерия батареяси командири, катта лейтенант Козимбек Ҳайдаров ҳам бор.***




Козимбек асли зиёлилар хонадонида таваллуд топди. Отаси Абдуҳаким шифокор, онаси Мавлуда эса, ўқитувчилик касбида меҳнат қилишади. Лекин, акаси Зафар қатори унда ҳам Маъруф тоғаси ва Жамшид амакисининг касбига меҳр уйғонди. Болалигиданоқ юрт, она-Ватан учун хизмат қилишга бел боғлади. Мактабни тамомлагач, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари қулиётида таҳсил олди. Кейинчалик, устозлари подполковник Абдували Қамбаров, майор Луқмонжон Жўраевлардан мутахассислиги бўйича кўплаб тажриба ўрганди.

Унинг касбига садоқат, сидқидиллик билан ёндашаётганлиги, ёшлар тарбиясидаги тинимсиз меҳнатлари муносиб баҳоланиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.



*СУРАТЛАРДА: (пастда) катта лейтенант Козимбек Ҳайдаров; унинг раҳбарлигидаги артиллерия батареяси тўпчилари бўлажак машқ олдидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда қандли диабет хасталигига чалинаётганлар йил сайин кўпайиб бормоқда.***

Бу дард билан оғриётганлар орасида болалар ва ўсмирлар ҳам борлиги айниқса ачинарли. Олимлар муаммони ечиш мақсадида мазкур касалликнинг келиб чиқиши сабаблари, унинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усуллари устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқдалар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-тадқиқот институтида бу борада эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Институт шифохонасида ҳар йили ана шундай хасталикка чалинган кўплаб беморлар замонавий тиббий усуллар билан даволанаётир.

Мазкур илмий муассасада давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда шулар ҳақида гап борди. Институтга "Экосан" халқаро жамғармаси томонидан бир миллион сўмликдан кўпроқ тиббиёт жиҳозлари, дизенфекциялаш воситалари ва бошқа анжомлар топширилди.

**ЎзА.**

# КОЛЛЕЖДА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

***Олмалиқ шаҳар уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежида талабалар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари — шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кун тартибида учта масалага алоҳида эътибор қаратишди.***

Жумладан, бугунги кунда ҳуқуқбузарлик ҳамда турли жиноятларнинг олдини олиш муҳим масалалардан бирига айланиб бормоқда. Шу мақсадда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, Ислом дини, динлар ва уларнинг тарихи ҳамда ўсмир йигит-қизларни оилага тайёрлаш, маънавий тарбия даражаси, тиббий маданиятни ошириш юзасидан қизғин савол-жавоблар ўтказилди. Тадбир коллеж талабаларида катта таассурот қолдирди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

***Ангрен кўмир конини қайта қуриш, ишлатилаётган машина-механизмларни замонавийлаштириш ишлари тобора жадаллашмоқда.***

# ҚУВВАТЛАР ЎЗЛАШТИРИЛАЯПТИ

Бу катта ҳажмдаги техникавий тадбир олти босқичда амалга оширилади. Унинг икки босқичи бевосита ёқилғи қазиб чиқаришни кўпайтиришга, қолгани эса, кон устини очишни кенгайтиришга мўлжалланган.

Ўтган йили уларнинг дастлабки босқичи ишга туширилди. Замонавий агрегат – ротор экскаватори фойдаланишга топширилди. Унинг ишлаб чиқариш қувватини тўла ўзлаштириш юзасидан саъй-ҳаракатлар кун сайин авж олмоқда. Бу ускуна ёрдами билан ҳар соатда икки минг куб метр ҳажмидаги кон устини очиш ишларини бажариш мумкин. Ҳозир у қувватининг эллик фоиздан ортиқроғи даражасида ишламоқда. Айни вақтда мавжуд 21 та чўмичларини янада мустаҳкамлаш, чидамлилигини ошириш устида ҳам изланиш олиб борилаяпти.

– Бизда тайёрланган экскаваторни бу ердаги шароитда ишлатиш, – дейди уни етказиб берган Германиядаги компания вакили Петер Слотта, – айрим қисмларини такомиллаштиришни тақозо этди. Чунончи, чўмичларининг чидамлилигини ошириш лозимлиги маълум бўлди. Улар нисбатан тезроқ сийқаланиб кетмоқда. Яқин вақт ичида эски чўмичлар янгиларига алмаштирилади.

**Ўз мухбиримиз.**


## Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги олий таълим муассасаларига қабул эълон қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясига ва Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабига:**
- фуқаро ёшлари учун 17 ёшдан 25 ёшгача;
- ёши жорий йилнинг 31 декабрига 17 ёшга тўладиганлар;
- бўйи-басти 170 см. дан паст бўлмаган эркак, бўйи-басти 160 см. дан паст бўлмаган аёл фуқаролар қабул қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртига.**
- фуқаро ёшлари учун 17 ёшдан 21 ёшгача;
- ёши жорий йилнинг 1 сентябрига 17 ёшга тўладиганлар;
- бўйи-басти 170 см. дан паст бўлмаган эркак фуқаролар қабул қилинади.

**Ушбу олий таълим муассасаларига ўқишга кирувчи номзодларнинг ўқув йиғма жилдида қуйидагилар бўлиши керак:**
- номзоднинг турар жойидаги ички ишлар бўлими томонидан йўлланма;
- номзоднинг ўз қўли билан ва ёзув машинкасида ёзган таржимаи ҳоли;
- анкета (сўровнома);
- ўқиш, яшаш ва охирги иш жойидан тавсифнома;
- маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси. Умумтаълим ўрта мактаблари, махсуслаштирилган лицейлар, коллежларнинг ўқувчи ва талабалари учун ўқув йилининг якуний ва кундалик баҳолари табелидан тасдиқланган кўчирма;
- фуқаролик паспортининг 2-3-бетидан ксерокопия;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- ҳарбий хизматга чақирилув гувоҳномасининг нусхаси ёки ҳарбий ҳисобда турганлиги ҳақида мудофаа ишлари бўйича бўлимдан маълумотнома;
- тасдиқланган 6 (олтита) фотосурат (3x4 ҳажмда, бош кийимсиз, бурчаксиз) ва 2 (иккита) фотосурат (9x12 ҳажмда, бош кийимсиз).

*Ҳужжатлар 2004 йилнинг 1 июнига қадар қабул қилинади.*

**Маълумот учун телефон:** 66-44-50.

**Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ўқув бўлими манзили:** Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй. **Мўлжал:** олдинги Луначарск маркази ёнидаги «Динамо» ўйингоҳи.

**Автобуслар:** Буюк Ипак йўли метро бекатидан 101, 1, 24.

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТРЕНИНГ

*Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида "Оммавий ахборот воситаларида менежмент, маркетинг ва реклама" мавзуида семинар ва тренинг ўтказилди.*

– Ҳозирги даврда ҳаётнинг кўпгина соҳалари рекламага асосланган, – деди Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази директори Гулнора Бобожонова. – Бирон бир нарса харид қилмоқчи бўлсак, албатта рекламага таянамиз. Маълумки, республикамиздаги рекламалар хориж тажрибасига асосланган. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари рекламасини хорижникидан қолишмаган ҳолда миллий анъаналармиз ва менталитетимиздан келиб чиқиб тайёрлашлари лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган икки кунлик тренингда журналистлар уч гуруҳга бўлинган ҳолда назарий ва амалий машғулотлар ўтказишди. Улар радио, телевидение ва газеталарда менежмент ва бўлимлар бўйича ўзаро ҳамкорлик, реклама тўғрисида умумий тушунчалар, унинг турлари ва сотилиши бўйича маърузалар тинглашди. Тренинг охирида журналистларга сертификатлар топширилди.

## «Туркистон-пресс» хабар қилади

## КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» мавзуида фотокўргазма очилди.*

Кўргазмага Ленур Аметов, Виктор Ан, Турсун Али, Рустам Шарипов, Искандар Содиқов, Раҳмонберди Исмоилов, Михаил Головачев, Виктор Вяткин, Сергей Карандаев каби фотосуратчилар ижодидан намуналар қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, гўзал инсоний туйғулар, аёл ва эркак ўртасидаги ўзаро инсоний муносабатларидан пайдо бўладиган турли ҳолатлар кўргазмада бадиий тарзда ифодаланган. Шунингдек, миллий тўйлардаги келин ва куёвларнинг бахт остонасидаги илк қадамлари ифодаланган фотосуратлар кишини ўзига тортади. Кўргазмада шунингдек, севишганлар эмас, балки болалар, ўсмирлар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар ҳам акс эттирилган.

## «ОФАРИН»НИНГ РАҚҚОСАЛАРИ

*Пойтахтнинг А. Навоий номидаги давлат академик катта театри қошида "Офарин" замонавий рақс театри тузилмоқда.*

Мазкур театрнинг раҳбари Алия Шалхарованинг таъкидлашича, театрнинг ижодий жамоаси ўз олдига бой халқ мероси ва рақкосаларнинг касб маҳоратларига таянган ҳолда бетакрор замонавий услуб яратишни мақсад қилиб қўяди.

Театр мамлакатимиздаги энг моҳир рақкосаларни ўз сафига олишга ҳаракат қилди. Санъаткорларни саралашга анча муддат сарфланди. Эндиликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сўғдиёна Исроилова, Мукаррама Турғунбоева номидаги ёш рақкосалар танловининг бош совриндори Ирода Исроилова ҳам шу жамоада иштирок этади. Албатта, тажрибали санъаткорлар билан бирга миллий рақс ва хореография олий мактабининг битирувчилари ҳам театрга жалб этилмоқда.

"Офарин"нинг дастлабки спектакли — "Рақкоса" премьераси шу йил 5 мартда бўлиб ўтади.

### Шундан кейин

## ОЙ ЕРНИНГ ПАРЧАСИМИ?



Бундан тўрт ярим миллиард йил муқаддам Қуёш тизимида қудратли портлаш юз берган. Ҳажми Марсдан кичик бўлмаган фазовий жисм Ерга келиб урилган-у, улардан ажралиб чиққан парчалар ва суюқликлар заминимиз орбитасида айланиб қолган. Миллион йиллар давомида улар бирлашиб, шу тариқа, Ер йўлдоши — Ой пайдо бўлган...

АҚШнинг Гарвард Смитсониан астрофизика маркази тадқиқотчилари бу машҳур тахминга қарши чиқмоқдалар. Жереми Дрейк ва унинг ҳамкасблари «Чандра» рентген телескопи ёрдамида ўтказган тадқиқотлари натижасида Ойнинг кимёвий таркиби Ерникидан фарқ қилишини таъкидламоқдалар.

## УХЛАТИШ ЭСДАН ЧИҚИБДИ



Венадаги касалхоналардан бирида операцияга ётқизилган аёл 45 минут давомида мислсиз оғриқдан азоб чекиб ётди. Сабаби шифокорлар ёдидан кўтарилиб, уни бехушлантиришмаганди. Мушакларини бўшаштирувчи укол қилингани сабабли амалда фалажланган бемор на бирор сўз айтолмасди, на бирор белги беролмасди. Жарроҳ эса, ҳеч нарсадан бехабар, ўз ишини амалга ошираверган. Фақат хонага иккинчи жарроҳ кириб қолиб, беморнинг катта очиқ кўзларидан шашқатор ёш оқаётганини кўриб даҳшатга тушганидан кейингина ҳамма югуриб қолди. Жабрдийда касалхонадан чиққач, беписанд шифокорлар ишлайдиган ушбу тиббиёт муассасасини судга берди. У ўзига етказилган маънавий ва жисмоний зарарни 70 минг еврога баҳолади.

## ЎҚ ҲАМ ТЕША ОЛМАДИ



Бразилиялик полициячи Сержио Морейра Сантосни ҳамкасблари Темир Пешона деб атай бошладилар. Сан-Паулу электростанцияси ҳудудидаги тўдани қўлга олиш пайтида жиноятчилардан бири бир ярим метр масофадан унинг пешонасига ўқ узди. Аммо, ўқ унинг бош чаноғи суягини теша олмай, тери остида қотди. Қурол бўйича экспертларнинг фикрича, ўқ қўлбола усулда ясалгани учун, одатдагилардан юмшоқроқ бўлгани сабабли ҳам, полициячининг омади чопиб, у омон қолган.

### Спорт

## ОЛИМПИАДАГА ЯНА ИККИ ЙЎЛЛАНМА

***Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида икки нафар спортчимиз Афина Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.***

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан хабар қилишларича, иқтидорли таэквондочи Наталья Микрюкова Осиё чемпионлиги ва олимпия лицензиясига сазовор бўлди.

Шунингдек, қитъа чемпионати кумуш медали соҳибаси бўлган Ирина Кайдашова ҳам Афинага боради.

**ЎзА.**

## САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

***Бугун Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадионида футбол бўйича 2006 йилги Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига старт берилади. «В» гуруҳида иштирок этаётган миллий терма жамоамиз ўзининг дастлабки ўйинини Ироқ термасига қарши ўтказади.***

Шу муносабат билан кеча Тошкентдаги «Бунёдкор» теleклубида икки жамоа мураббийлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

— Ўйинда ғалаба қозониш учун имкониятлар етарли,— деди терма жамоа бош мураббийи Равшан Ҳайдаров журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан.— Хориждаги номдор клубларда тўп сураётган легионер уйинчилар ҳам таркибга жалб этилган.

Шунингдек, Ироқ термаси мураббийи Бернард Штанге ҳам ўйин ҳақида фикр юритиб, жамоасидан фақат ғалаба кутишини таъкидлади.

**Ғайрат АЛИЕВ.**

## АЙЛАЙ ДЕСАМ

*Истамас кўнгул ёрсиз бир сайри боғ айлай десам,*
*Ҳамроз йўқ, суҳбат ила кўнгулни чоғ айлай десам.*

*Воҳ, борми бу оламда ҳамдард бўлар бедард ўзи,*
*Дер кўнгул кимга ўзни дўсти — иноқ айлай десам.*

*Дардим кимга дейин гар хушламаса озори дил,*
*Ҳусн хуршидингга боқиб бир иштиёқ айлай десам.*

### Газетхон илҳомлари

*Дедилар, гул-раънога боқ, оразин рамзи ўшал,*
*Таскин бермас лаҳза ул тафти фироқ айлай десам.*

*Унамас мушкул писанд, шуълаи оҳим кечалар,*
*Сен юрар хос кўчаларда шамчироқ айлай десам.*

*Бир келмас кулбамга ул ҳам, қадамин қилиб тавоф,*
*Пойи гардин сурмаи кўзи-қабоқ айлай десам.*

*Ноз ила кулиб деди: «Қўй, хумори тутгай яна»,*
*Лаъл лабингдан журраи оби дудоқ айлай десам.*

*Кўнглум олгач ул пари аҳдида турмас, водариғ,*
*Мен ҳам ёрим бор дебон кўксимни тоғ айлай десам.*

*Куймас илҳом париси ижоддан кечиб мен — Усмон*
*Ашъор дардила дардманд бу танни соғ айлай десам.*

**Усмон ЭГАМБЕРДИ.**

## ГУЛЛАГИН ЎЗБЕКИСТОНИМ

*Юрт бошига қўнди катта бахт —*
*Ватан обод, халқим бахтиёр.*
*Кўнгилларда оташ муҳаббат,*
*Ўлкамизда мангудир баҳор.*

*Бу заминда барча миллатлар,*
*Аҳил, иноқ, дўстона яшар.*
*Бир-бировга қону қардошмиз,*
*Элимизни улуғлар башар.*

*Гулламоқда шаҳру қишлоқлар,*
*Буюк давлат этурмиз бунёд.*
*Боғимизда сайрар булбуллар,*
*Ҳаёт гаштли, кўнгиллар-чи, шод.*

*Бугун элда қувончлар дарё,*
*Истиқлолни куйлаймиз шодон.*
*Ҳавас ила қарайди дунё,*
*Гуллаб-яшна, ҳур Ўзбекистон!*

**Рўзимат ДАМИНОВ.**

## ВАТАН ҲИМОЯЧИСИГА

*Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган учрашувда ўғлонларимиз шаънига илиқ сўзлар айтилди. Мен ҳам шу учрашувдан руҳланиб, дил сўзларимни қоғозга туширдим.*

*Ватанни ҳимоя қилмоқ азизим —*
*Муштипар онангнинг ҳимоясидир.*
*Бекорга айтмаслар мўътабар зотлар,*
*Она юрт дегани Ватан тупроғи!*

*Сен вояга етдинг полвон ўғлоним,*
*Отангнинг касбини олгин қўлингга.*
*Чунки у қўриқлаб келди Ватанни,*
*Энди қўриқламоғинг зарур отангни.*

*Ватан, кўз ўнгимда нуроний отам,*
*Ота деганимда жонланар бобом.*
*Она сўзи эслатаркан Ватан тупроғин,*
*Ота-онанг ҳурмати — асра Ватанни!*

*Эй ўғлон, сенинг ҳам вақтинг келибди,*
*Ватанни қўриқламоқ касбинг бўлибди.*
*Билгинки, муқаддас она тупроғинг,*
*Билиб қўй, бу ахир сенинг Ватанинг!*

*Сен борсан, душманнинг қинғир қадами,*
*Топтай олмас Ватан тупроғин.*
*Чунки бу тупроқда отангнинг ҳоки,*
*Хароб бўлмас асло, она тупроғинг.*

*Мен сени қутлайман байраминг билан,*
*Ватан ҳимоячиси, полвон ўғлоним.*
*Агар боболарим тинч ухласин десанг,*
*Ватанни асрагин, азиз фарзандим.*

**Дониёрхўжа ТОШХЎЖА ўғли.**

## АЙЛАНДИМ

*Сочларим қировини куйловчига айландим,*
*Топсин доно суҳбатдош, сўйловчига айландим.*

*Яшил боғлар, ўтлоқлар менинг севган масканим,*
*Қайда кўрсам гўзаллик, бўйловчига айландим.*

*Шайдоликнинг шарҳи кўп, қай бирини сўзласам,*
*Изоҳига тилим лол, ўйловчига айландим.*

*Инсон феъли турфадир, саволлари хилма-хил,*
*Маъно-мазмун хамирин ийловчига айландим.*

*Куй сеҳрига мафтунман, сеҳри сел қилар дилни,*
*Кўнгил торин чертганни сийловчига айландим.*

*Ҳақгўй бўлиб танилдим, ростни айтиб ҳаммага,*
*Теришда сўз гавҳарин сайловчига айландим.*

*Тарошласанг тахтани тароқ бўлар бежирим,*
*Эгри сўзни ҳам тўғри айловчига айландим.*

**Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА.**

## Японияда ўзбекча чой таомили

***Кунчиқар мамлакатнинг етакчи саноат марказларидан бири ҳисобланган Йокоҳама шаҳрида «Грейс» чой маркази мавжуд. Яқинда мазкур марказда ўзбекча миллий чой таомилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Япония ҳукумати аъзолари, таниқли фан ва маданият арбоблари, ишбилармонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.***

Тадбир иштирокчилари даставвал бу ерда ташкил этилган турли хорижий мамлакатларнинг чой ичиш маданиятига оид кўргазма билан танишиш имконига эга бўлишди. Хусусан, Ўзбекистонга оид кўргазма бурчаги меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Маълумки, чой ичиш таомили ўзбек халқи учун шунчаки удум эмас, балки миллий маданият ва турмуш тарзининг ажралмас қисми, одамлар ўртасидаги муомала воситасига айланган. Семинар чоғида қайд этилганидек, ўзбек халқининг чой билан боғлиқ бўлган барча урф-одатлари асрлар оша шаклланиш баробарида энг олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, меҳмондўст ўзбек халқининг бағрикенглиги ва меҳридан баҳра олган, Ўзбекистонда бир пиёла чой ичган ҳар бир хорижий сайёҳ серқуёш диёримизга интиқлик билан яшайди.

Тадбир давомида меҳмонлар бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. Уларга ўзбекча тавозе ва мулозамат билан чой узатилиб, миллий ширинликлар улашилди.

**Б. АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА. Токио.**




Зуҳра хола йиғламоқдан бери бўлиб, ҳовлига тушди. Бўш пақирни олиб кириб, айвонга отди. Лариса эшикни очиб, челакни тараклатиб тепди. Бу можаронинг устига Алижон кириб қолди. Лариса айвонда туриб, «Варвар ненормальная!» деб бақирди. Алижон индамай хотинига яқинлашди-да, унинг бетига шапалоқ тортиб юборди.

— Оғзингга қараб гапир, ярамас, ким ёввойи?

— Ҳамманг ёввойи! Ҳамманг ненормальный! Бировни қийнаб, роҳат қиласанлар! Кетаман! Бу ерда энди тилла берсанг ҳам турмайман!

Лариса ҳўнграб йиғлаб юборди. Ичкари кирди-да, ўзбекча либосларини ечиб, отиб урди. Ўз кийимини кийди. Катта жомадонга буюмларини солиб, қарғанганча эшикдан чиқиб кетди. Алижон, «Ҳўв, кеч бўлганда қаёққа борасан?» демади. Лабини тишлаб, айвонда тикка туриб қолди.

V

Қоронғи тушганда, эшикдан йўталиб Гулмат ота кириб келди. Унинг қўлида жомадон, орқасида Лариса. Ота жомадонни айвонга чиқариб қўйиб, ичкари кирди. Зуҳра хола қилмишини ўйлаб, калласини осилтириб ўтирарди. Ота ўз ўрнига ўтиб, чордона қурди. Ўғлини чақирди. Анчадан кейин энса қашлаб Алижон кирди.

— Ҳм, нима бўлди, болам?

Алижон индамади.

— Лариса қани?

— Ана, турибди, — ўғли боши билан ташқарига ишора қилди. Зуҳра хола ялт этиб, чолига қаради.

— Чақир.

Алижон хўмрайиб Ларисани бошлаб кирди.

— Ўтиринглар, — деди чол.

Келин-куёв ўтирдилар.

— Нима бўлганини эшитдим, — деди ота томоқ қириб. Унинг қаҳри келганда томоғини қириб қўярди. Буни кўриб Зуҳра хола сал чўчиди, — энди менга қулоқ сол, болам. Ўзинг шу қизга уйланаман, деб оёқ тираб, туриб олдинг, а? Хўп дедик. Энди нега ҳайдайсан? Шунчалик номардмисан? Йигит киши унақа бўлмайди. Бирга туришни истамасанг, бошида обкелма эди. Олиб келдингми — энди чидайсан. Ўзбек ҳовлисига адашиб кириб қолган молни ҳам ем бериб боқади. Бу — шаърий хотининг. Иккинчи ғиш-ғишаларингни кўрмай. Йўқ яшамайман, десанг, уйига олиб бориб, ота-онасининг қўлига топшириб кел. Мен бировнинг фарзандини кўчага ҳайдатиб қўймайман. Тушундингми? Бор, сенларга жавоб.

Келин-куёв чиқиб кетишди. Гулмат ота кампирига ўгирилди.

— Хўш, энди сенга келсак, хотин, сен миянгни еб қўйибсан. Сотиб олинган қул ҳам бунчалик ишламас. Кавишингга пойи-патак бўлиб кетяпти-ку, шўрлик, тағин нима дейсан унга? Аллоҳ таоло лоюҳиббуз-оламин, золимларни кечирмайман, деб қўйибди. Охиратингни ўйлайсанми ҳеч?

Зуҳра хола миқ этмай ўтираверди. У ўзининг хатосини тушуна бошлаган эди.

Эрталаб Лариса ҳеч нарса бўлмагандек, самовар қўйиб, ҳовлида гирдикапалак бўлиб юрган эди, Зуҳра хола чақирди:

— Рисолат! Мунда ке, қизимка!

Лариса ҳалиям қайнонасининг қовоғи очилмаганини кўриб, ҳадиксиради ва супургини таппа ташлаб, уйга қараб чопди. Зуҳра хола уни етаклаб, тўрдаги кичкина хонага олиб кирди.

— Анави кўрпаларни ол! — деди меҳробни кўрсатиб. Лариса кўрпаларни битталаб ерга олиб қўя бошлади. Хола катта сандиқни очди. Ичидан турли хил кийимлик, жун рўмолу тилла симли рўмол, атлас, кимхоб, жемпер, қўша-қўша туфли, этик олиб, Ларисанинг олдига қўйди.

— Алижонни уйлайман деб, йиғиб юрувдим, булар энди сеники. Ол! — деди

Зуҳра хола сандиқни ёпиб. Лариса, қайнонасининг нима демоқчи бўлаётганини умуман, тушунди. У умрида бунақа қимматбаҳо кийим-кечакларни кўрмаган эди. Кўзлари ёниб, Зуҳра холага қаради.

— Это всё мне? Ой, раҳмат, а-я!

Лариса чўнқайиб ўтирган Зуҳра холанинг юзидан чўлпиллатиб ўпди. Кампир уҳ тортди. Кўзларида ризолик ёшлари йилтиради. У «Пешонамга ёзилгани сен экансан, не қилай?» деб тақдирга тан бера бошлаган эди...

**(Охири.**
**Боши ўтган сонларда).**

### Қилмиш-қидирмиш

## ГИЁҲВАНДЛИК — ИЛЛАТ

Бекобод тумани «Далварзин» ширкат хўжалигининг 2-бўлимида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Абдумалик Маъмуров Бекобод — Тошкент йўлида 2 килограмм 75 грамм героин моддасини 10 минг АҚШ долларига сотаётган вақтда ушланди.

Ҳозирда тергов жараёнлари олиб борилмоқда.

## ВАКОЛАТНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

Олмалиқ шаҳрида солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ва давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида Металлурглар кўчаси, 114-уйнинг 59-хонадонида яшовчи, Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг шаҳар ҳисоб бўлими бош мутахассиси Арсений Резник мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликда айбланди. Унинг 1 миллион 500 минг сўм пулни нафақа фондига ўтказмасдан тадбиркор Рафиқ Валиевнинг ҳисоб рақамига ўтказиб юборганлиги аниқланди. Ушбу жиноятга оид ҳужжатлар прокуратура томонидан ички ишлар бўлимига тақдим этилди.

Тергов ишлари бошлаб юборилди.

## ЎҒИРЛИК

Оҳангарон шаҳрида номаълум шахс 3-кичик туман, 2-уйнинг 18-хонадонида яшовчи, нафақахўр Клара Мансурованинг Шарқ кўчасида жойлашган дала ҳовлисига кириб, умумий нархи тахминан 240 минг сўм бўлган буюмларни ўғирлаган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни шу кўчада яшовчи, Асрор Йўлдошев содир этганлиги аниқланиб, ушланди. Ашёвий далиллар олинди.

Терговни ички ишлар бўлими олиб бормоқда.

## ТУЁҚ ЎҒРИСИ

Бекобод туманида номаълум шахс уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Улуғбек номли ширкат хўжалиги 2-бўлимида яшовчи Ҳусанбой Худойбердиевнинг молхонасидан бир бош қорамолини ўғирлаган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни «Деҳқонобод» ширкат хўжалигида яшовчи Шуҳрат Хайитов ва Мирзо Улуғбек номли хўжаликда яшовчи Абдуваҳоб Аюбовлар содир этганлиги аниқланиб, ушландилар. Улардан ашёвий далиллар олинди.

Ҳозирда ушбу иккала «ошна» қилмишлари юзасидан жавоб беришмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати инспектори.**

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2004 йил 2 февралдаги 11-0315/151-сонли ажримига асосан **«НАЖОТ-СЕРВИС» унитар ишлаб чиқариш корхонаси** банкрот деб эътироф этилиши муносабати билан 2004 йил 23 февраль куни соат 11.00 да Қибрай тумани ДСИ биноси 110-хонада кредиторлар йиғилиши ўтказилади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2004 йил 2 февралдаги 11-0315/150-сонли ажримига асосан **«САИДХОН» хусусий фирмаси** банкрот деб эътироф этилиши муносабати билан 2004 йил 23 февраль куни соат 10.00да Қибрай тумани ДСИ биноси 110-хонада кредиторлар йиғилиши ўтказилади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2004 йил 2 февралдаги 11-0415/144-сонли ажримига асосан **«НЕЙЗЕЛ» шўъба корхонаси** банкрот деб эътироф этилиши муносабати билан 2004 йил 23 февраль куни соат 12.00 да Қибрай тумани ДСИ биноси 110-хонада кредиторлар йиғилиши ўтказилади.

1-мактаб томонидан 1980-81 ўқув йилида Шаякубов Ислам Шаюнусович номига берилган Г 670796 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти Кенгаши жамоаси ва ташкилот фахрийлари Чиноз тумани Кенгаши раиси **Озод ЖАЛИЛОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-350. Адади 8920. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Умид АБДУШОХИДОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5 6